2015 йил 3 июль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 136 (12.949)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Юксак маънавият — енгилмас куч

***Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Юксак маънавиятли авлод» ёшлар фестивалининг мамлакат босқичи якунига бағишланган тадбир ўтказилди.***

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР — ЭРТАМИЗ ТАЯНЧИ



Темур Мамадаминов олган сурат

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ.Қуронбоев, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Бадиий академия раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш жараёнида соғлом ва мустақил тафаккурли, юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш, ёшлар онгу шуурига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, ибратли анъаналаримизга ҳурмат руҳини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ва 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.

Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари иштирокида ўтказилган «Юксак маънавиятли авлод» фестивалида 53 мингга яқин йигит-қиз ватанпарварлик, миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини, юксак маънавий фазилатларини билим ва салоҳияти, яратган санъат асарлари, ҳунармандлик буюмлари орқали намоён этди.

Мазкур фестивалдан кўзланган асосий мақсад навқирон авлод ўртасида маънавий-ахлоқий тарбияга доир ишларни замон руҳига ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйиш, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдидларнинг олдини олиш, ёшларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни қарор топтиришга кўмаклашишдан иборат. Шу билан бирга ушбу тадбир ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ижодий салоҳияти, изланишларини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Фестивалнинг туман, шаҳар ва вилоятлар босқичлари юксак савияда ўтди. Ижодий лойиҳада ўқувчи-талабаларнинг юртимиздаги маънавий-маърифий, маданият, санъат, таълим соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига оид билими, ижтимоий-сиёсий тафаккури, фаоллигига алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар Президентимиз асарлари, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар, миллий қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, бадиий ижод, санъат ва маданиятнинг турли йўналишлари бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди.

Тадбирда лойиҳада фаол иштирок этган ёшлар «Президент асарлари билимдони», «Мустақиллик тарихи билимдони», «Бадиий ижод», «Энг иқтидорли ҳунарманд», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайнер», «Ватан куйчиси» ва «Юксак маънавиятли авлод» номинациялари бўйича тақдирланди.

– Фестивалга тайёргарлик жараёнида Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарлари, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини чуқур ўқиб-ўргандим, – дейди ЎзА мухбирига «Президент асарлари билимдони» номинацияси ғолиби, Навоий давлат педагогика институти талабаси Нурали Ҳошимов. – Уларда мамлакатимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, юксак маънавиятли авлодни камолга етказиш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти батафсил ёритилган. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиётимизга ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бормоғимиз зарурлиги таъкидланган. Буларни ўқиб, Юртбошимизнинг асарлари, нутқ ва маърузалари биз, ёшлар учун бугунги куннинг долзарб масалалари туб моҳиятига кириб боришда катта ҳаёт мактаби эканини англаб етдик.

Фестиваль якунида таниқли эстрада хонандалари иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Дилшод КАРИМОВ**

***Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Давлат сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда ОАВ ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг салоҳиятини ошириш масалалари» мавзусида семинар ўтказилди.***

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИГА ЭЪТИБОР

Унда фонд директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг барча қатламлари манфаатини ҳимоялаш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз қонунчилиги жамоат ташкилотларининг ислоҳотлар жараёнидаги таъсири ва фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ёшларни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишдаги иштирокини кучайтириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан 2015 йилда давлат ижтимоий буюртмаси шаклида долзарб йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида жамоат ташкилотлари ва медиа тузилмаларга 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилгани фуқаролик жамияти институтларини равнақ топтириш борасида кўрсатилаётган эътибор кўлами нечоғли улкан эканини англатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган қонунлар нодавлат жамоат ташкилотларининг янада фаоллашишига турткибердиТаъкидланганидек. Жумладан, 2014 йилда қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда ННТларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларидаги чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришда янги истиқболларни очмоқда.

Жамоат ташкилотларига кўрсатилаётган эътибор самарасида уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурлари ижросидаги иштироки тобора ортиб бормоқда.

Анжуманда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, ислоҳотлар жараёнида жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти юксалишида жамоат ташкилотлари ҳамда ОАВ ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама этилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## СУҒУРТА БОЗОРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суғурта фаолияти ва назоратининг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, суғурта хизматлари бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя этувчи самарали механизмдир. Соҳада татбиқ этилаётган янгилик ва ўзгаришлар бунинг ёрқин мисолидир.***

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида соҳадаги ўзгаришлар, хусусан, «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик компанияси фаолиятида мижозлар билан ишлаш ва интерфаол хизматлар даражасини оширишда CRM тизимини жорий қилиш тўғрисида сўз борди.

«Ўзагросуғурта» компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари И.Нурмуҳамедов ва бошқалар ахборот-коммуникация технологиялари салоҳияти ўзаро муомала қилиш ва ахборот айирбошлашнинг принципиал жиҳатдан янги имкониятларини очиши, бу иқтисодий ислоҳотлар ва мамлакатнинг демократик ривожланиши жараёнларини жадаллаштириш имконини беришини таъкидлади.

Компания электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида 2007 йилдан бошлаб VPN тизимини аввал дирекциялараро, сўнгра ҳудудий бўлинмалар ва дирекциялар ўртасида жорий этди. Барча юмушлар корпоратив тармоқлар орқали амалга оширила бошланди. Бу, ўз навбатида, бир қатор қулайликларни юзага келтирди. Суғурта шартномалари электрон базасини марказлаштириш, электрон хатлар тизими онлайн тарзда ишлаши, шартномалар ҳисоботини кўриш ва электрон почта тизимидан самарали фойдаланиш шулар сирасидандир.

2010 йилдан буён компания «Ўзбектелеком» миллий провайдери билан ҳамкорлик қилмоқда. Замонавий коммуникация тизимларидан унумли фойдаланиш ва иш самарадорлигини ошириш мақсадида ўтган йили компания бошқаруви ва дирекцияларининг ўтказувчанлик каналлари қуввати ва интернет тармоғи тезлиги оширилди. Солиқ, статистика, пенсия жамғармаси ва бошқа ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш имконияти яратилди.

«Ўзагросуғурта» компанияси моддий-техник базасини янгилаш мақсадида замонавий компьютерлар билан тўлиқ таъминланиб, янги сервер қурилмалари харид қилинди. Ҳозир электрон ҳужжат алмашинуви бўйича «PEGAS» электрон дастурий таъминотидан самарали фойдаланилмоқда. Бу тизимда электрон ҳужжат алмашиш даражасини кенгайтирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 3 апрелдаги «Иқтисодиётнинг реал секторларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарор ижросини таъминлаш, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида дунёнинг етакчи дастурловчи компанияларидан бири – TERRASOFT компаниясининг CRM, BPMONLINE платформасига ўтиш бошланди.

– Бу тизим ёрдамида мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва тезлиги ошади, – дейди ЎзА мухбирига компания матбуот хизмати раҳбари Дилобар Муҳаммаджонова. – Бундан ташқари у солиқ, статистика каби идоралараро электрон алоқаларни янада такомиллаштиришда қўл келади. Йил охирида ушбу тизим тўлиқ ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Айни пайтда бу тизимнинг яна бир хизмат тури – VOIP лойиҳасини ишга тушириш бўйича етакчи ташкилотлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Тадбирда суғурта бозори инфраструктурасини ривожлантириш истиқболлари, профессионал иштирокчилар фаолиятини назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш мавзусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Сайёра ШОЕВА**

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Жиззахда давлат идоралари очиқлигини таъминлаш ва уларда очиқ маълумотлар базасини шакллантириш масалаларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди. «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: 2-босқич» ва «Электрон ҳукумат»ни ривожлантириш орқали давлат хизматларининг сифатини ошириш» лойиҳалари доирасида «Очиқ маълумотлар базасини шакллантириш», «Тошкент вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайтида «Очиқ маълумотлар»ни шакллантириш бўйича амалга оширилган ишлар», «Коммуникация стратегияси», «Замонавий ахборот хизматлари: мақсад ва вазифалар» мавзуларида тақдимотлар ўтказилди.**

**● Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида «Қашқадарё ёшлари — соғлом келажак сари» шиори остида ташкил этилган гала концерт бўлиб ўтди.**

**● Жиззах шаҳридаги Бобур маҳалласида замонавий сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Ўлчами 12 га 25 метр бўлган ушбу замонавий иншоотнинг барпо этилиши, айниқса, болаларга катта қувонч бағишлади. Бу ерда ташкил этилган сув спорти тўгарагида 40 дан зиёд ўғил-қиз сузишни ўрганмоқда.**

**● Фарғонада анъанавий таэквондо бўйича III Осиё очиқ чемпионати бошланди. Мазкур нуфузли мусобақада йигирмага яқин давлатдан 200 нафардан зиёд спортчи иштирок этмоқда.**

**● Бухоро шаҳрида масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Bukhara – India Textile» қўшма корхона ташкил этилган. Тикувчилик ва тўқувчиликка ихтисослашган мазкур корхона ўтган қисқа даврда ички бозорда ўз ўрнини топди. «Bukhara – India Textile» барқарор ривожланаётган субъектлардан. Жорий йилда корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилгига нисбатан 30 фоиз ошириш кўзда тутилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Голландиянинг «Ahold» супермаркетлар тармоғи ўзининг рақобатчиси саналган «Delhaize» (Бельгия) компаниясини сотиб олиш юзасидан келишувга эришди. Харидор «Delhaize»нинг ҳар битта акцияси учун 4,75, умумий ҳисобда эса 9,3 миллиард евро микдорида маблағ тўлайди. Шунингдек, «Ahold» янги ташкил этиладиган компаниянинг 61 фоиз акциясига эгалик қилади. Дунё бўйича унинг савдо нуқталари сони 6,5 мингтага етади.**

**● Жорий йилнинг май ойида Японияда автомобиллар экспорти 10 фоиз тушиб кетган. Жумладан, мазкур даврда ташқи бозорга жами 289 477 дона машина сотилган. Ваҳоланки, ўтган йили бу кўрсаткич 321 711 тани ташкил қилган эди.**

**● Июнь ойида Германияда ишсизлик даражаси 6,4 фоизни ташкил қилди. Бу 1990 йилдан бери қайд этилган энг паст кўрсаткичдир, дейилади мамлакатнинг ишга жойлаштириш бўйича федерал агентлиги маълумотида. Умуман, Германияда бандликни таъминлаш бўйича тўққиз ойдан буён ижобий ҳолат кузатилаяпти.**

**Қарор ва ижро**

# ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш, юртдошларимизнинг мазмунли ва мароқли ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шаҳару қишлоқлар, кўча ва хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғларининг файзи ва ободлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини бугунги кун талабларига мос тарзда йўлга қўйишда табиий иқлим шароитимиз, халқимизнинг миллий фазилатлари ва менталитети, маънавияти, аҳолининг эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда ёндашилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда дастуруламал бўлмоқда.

Ушбу қарор билан тасдиқланган дастурга мувофиқ 2015 йил якунигача 77 янги боғ ташкил этилиши, 148 мавжуд боғдан 105 таси капитал реконструкция қилиниши, 29 тасини капитал, 14 тасини жорий таъмирлаш белгиланган. Дастур асосида 2011-2014 йиллар мобайнида 90 маданият ва истироҳат боғида кенг кўламли таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилиб, ушбу сўлим масканлар халқимизга тақдим этилди. Ўтган даврда маданият ва истироҳат боғларига 800 дан ортиқ замонавий аттракционлар ўрнатилди.

– Дастур доирасида ҳар бир боғнинг паспорти яратилиб, унда капитал реконструкция қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш, гул ва дарахт кўчатлари ўтқазиш, янги аттракционлар ўрнатишга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори А.Ҳайдаров. – Боғларда аҳоли учун маданий-маърифий тадбирлар, концертлар, дам олиш дастурларини юқори савияда ўтказиш юзасидан ҳам махсус дастур тайёрланган. «Санъат ва саёҳат» номли янги ижодий лойиҳа фольклор санъатининг ривожланиши, тараққиёт босқичлари ҳақида маълумот бериши билан бирга унинг доирасидаги мусиқий концертлар аҳолига манзур бўлмоқда.

Шу кунларда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан барча маданият ва истироҳат боғларида 2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан таниқли хонандалар, санъат намояндалари, бадиий жамоалар, ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастурлари, ижодий учрашувлар ташкил этилмоқда. Бундай мусиқий тадбирлар истиқлол йилларида миллий мусиқа санъатимизни равнақ топтириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар билан халқимиз, айниқса, ёш авлодни кенгроқ таништиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари билан ҳамиша гавжум. Ёзнинг жазирама иссиғида ҳам бу ерда ҳаво ҳароратининг нисбатан салқинлиги кишига ором бағишлайди. Бунинг боиси 22 гектардан иборат ушбу хушҳаво маскан довдарахтларга, гул-гиёҳлар, кўм-кўк майсазорларга бойлиги, ўзига хос микроиқлим яратиб турган фавворалар барпо этилганидадир. Боғда етмишга яқин турли аттракцион ишлаб турибди.

Боғ раҳбари ўринбосари Комилжон Алиевнинг таъкидлашича, кейинги беш йилда бу ерга йигирмадан ортиқ замонавий аттракцион, ўйин қурилмаси, турфа арғимчоқлар келтирилган. Боғ бош муҳандиси, ёнғин хавфсизлиги хизмати мутахассиси, электрик, механиклар, техник ходимлардан тузилган махсус комиссия томонидан ҳар бир аттракцион ва ўйин қурилмаси мавсум аввалида кўрикдан ўтказилиб, унинг техник ҳолати, хавфсизлик талабларига жавоб беришига доир хулоса тайёрланади. Ушбу хулоса асосида аттракционларни мавсумга шайлаш ишлари олиб борилади. Ёз мавсумида ҳам аттракционлар техник назорат ва мутахассислар кўригидан ўтказиб турилади. Буларнинг барчаси ўйин қурилмаларини техник жиҳатдан ҳамиша хавфсиз ва соз ҳолатда сақлаш имконини беради.

Бу масканда спорт мураббийи, маънавий-маърифий ишлар бўйича йўриқчи каби мутахассислар фаолияти йўлга қўйилгани Чилонзор туманидаги элликка яқин маҳалла болалари учун турли спорт-соғломлаштириш, бадиий ижодиёт, ботаника, зоология, «Атрофимиздаги олам» каби фан тўгаракларини қизиқарли ташкил этишга хизмат қилмоқда. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида боғдаги ёзги саҳнада «Барҳаёт анъаналар», «Сиз соғинган наволар», «Устоз санъаткорлар хониши» деб номланган концертлар, мусиқий танловлар, турли ижодий лойиҳалар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъат, маданият намояндалари билан ижодий учрашувлар, мулоқотлар мунтазам ўтказилаётгани нуронийларга маъқул бўлмоқда.

– Ушбу масканга келишни сира канда қилмаймиз, – дейди онахон Тўхтахон Исаҳожиева. – Невараларим арғимчоқларда учади. Биз ёши улуғлар мириқиб концерт томоша қиламиз. Яратганга шукр, юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик туфайли одамларимиз кечки вақтда ҳам боғ ва хиёбонларда оиласи билан хотиржам сайр қилиши одатий ҳолга айланган. Осуда ва фаровон ҳаёт, ободлик, тўкинлик – буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг энг олий неъматларидир.

Маданият ва истироҳат боғларини янада обод этишга доир эзгу саъй-ҳаракатлар ушбу масканлар фаолиятини такомиллаштириш, юртдошларимизнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, ёшлар маънавиятини юксалтириш каби ибратли интилишлар билан уйғун ҳолда олиб борилаётир.

Боғларни обод этиш, уларда халқимиз учун муносиб шароитлар яратиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга доир ибратли ишлар кўлами бутун юртимиз бўйлаб давом этаётгани диққатга сазовордир. Зеро, маданият ва истироҳат боғлари ободлик ва фаровонлик кўзгусидир.

**(ЎзА)**



Ислом Исмоилов олган сурат

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан «Ўзбек Миллий магистрали қурилиши: 2015 йилнинг ярим йиллик натижалари ва истиқболлари» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.***

**Анжуманлар**

# ЙЎЛ ҚУРИЛИШИДАГИ ИСТИҚБОЛЛАР

Бугунги кунда республикамизда автомобиль йўллари тармоғи 184 минг километр узунликда бўлиб, унинг 42 минг 600 километрдан кўпроғи умумий фойдаланишдаги йўллардир. Мазкур автомобиль йўлларини таъмирлаш, янгиларини қуриш ва уларни жаҳон андозаларига мослаштириш бўйича «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ўз олдига улкан вазифаларни қўйиб иш олиб бормоқда. Компания таркибида 13 та ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотлари, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган 7 та минтақавий таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари ҳамда 161 та туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 мартда қабул қилинган «2015-2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникацион ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорга асосан «Ўзбек миллий автомагистрали» таркибига кирувчи республикамиздаги автомобиль йўллари қисмлари ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, йўл ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларини техник ривожлантириш чора-тадбирларининг манзилли рўйхати тасдиқланган. Унга кўра 2015-2019 йиллар давомида 2699,8 километр узунликдаги йўлларда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Анжуманда таъкидланишича, инвестиция дастурига асосан жорий йилда 376,1 километр узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш ва тўлиқ таъмирлаш кўзда тутилган бўлиб, ўтган давр мобайнида режадаги йўлнинг 116 километри янгидан қурилди ва реконструкция қилинди.

Компаниянинг олдида қўйилган асосий вазифалардан яна бири автомобиль йўлларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни жорий таъмирлашдан иборатдир. Ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимиздаги 670 километр автомобиль йўлларида ҳосил бўлган чуқурларни ямаш, темир-бетон тўсиқларини янгилаш, ободонлаштириш, эскирган йўл белгилари ва кўрсаткичларини янгисига алмаштириш каби кўплаб ишлар амалга оширилди.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ўз таркибидаги корхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам доимий эътибор қаратиб келмоқда. Биргина 2014-2015 йиллар давомида 536 та турли русумдаги замонавий йўл қурилиш техникалари харид қилинди. Шунингдек, Президентимизнинг юқоридаги қарорига асосан шаҳар, қишлоқ ва туман марказларидаги кўчаларни таъмирлаш, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш мақсадида 993 дона жиҳозлар ва йўл-қурилиш техникаларини харид қилиш кўзда тутилган.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Абдували СОДИҚОВ**

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

***Бугунги кунда мамлакатимиздаги ўн тўртта олий ўқув юртида соғлиқни сақлаш тизими учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Мазкур олий тиббий таълим муассасаларида уч минг олти юз нафардан зиёд профессор-ўқитувчи талабаларга сабоқ бериб келмоқда.***

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда «Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан тиббиёт кадрларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва мутахассисликка йўналтириш борасида олиб борилаётган ишлар, унинг натижалари ва самаралари» мавзуидаги матбуот анжуманида ҳам шу ҳақда сўз юритилди.

Унда Тошкент Тиббиёт академияси, тиббиёт соҳасига ихтисослашган олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва тиббий таълимга йўналтирилган марказлар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг профессор-ўқитувчилари, олимлар, мутахассислар, ёш тадқиқотчилар, талабалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасида 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, соғлиқни сақлаш тизимининг кадрлар инфратузилмасини ислоҳ қилишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтишди.

— Олий маълумотли тиббиёт кадрларни тайёрлаш икки босқичда амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Ўктам Исмоилов. — Булар бакалавриат ва магистратура босқичларидир. Бундай мутахассислар соғлиқни сақлаш тизимининг иккинчи ва ихтисослаштирилган бўғинлари, тиббий таълим ва илмий муассасаларда ишлаш учун тайёрланмоқда. Бунда шифокорлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масаласи тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ҳамда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Болалар спорти ва жисмоний тарбиянинг юртимизда ривожланиши натижасида спорт тиббиёти мутахассисларига бўлган эҳтиёжнинг ошиб боришини инобатга олган ҳолда «Спорт тиббиёти» магистратура йўналиши мавжуд бўлган Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтидан ташқари Андижон, Самарқанд, Бухоро тиббиёт институтлари базасида «Спорт тиббиёти» бўйича янги магистратура йўналиши очилди.

Ушбу йўналишда янги педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий қилиш давом эттирилаётганини таъкидлаш жоиз. Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, замонавий техник ўқитиш воситалари кенг қўлланилмоқда. Мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари клиник муаммоларни ҳал этишга асосланган модуль тизимини жорий этмоқда. Мазкур технология жаҳон тиббий таълим амалиётида истиқболли ҳисобланади ва мантиқан мустақил фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу бўлажак шифокорни тайёрлаш жараёнида катта ўрин тутади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан ўқитиш жараёнида барча жойларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тилларни билиш даражасини оширишга оид саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида тиббий олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, ўрта бўғин мутахассислари тайёрлаш, шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш, илм-фанда эришилаётган ютуқлар, иқтидорли ёшларнинг таълим ва фан тараққиётида тутган ўрнига бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбирда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## Диққат, танлов!

**Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши,**
**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,**
**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,**
**«Ўзбектуризм» Миллий компанияси,**
**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси**

Ахборот-коммуникация технологиялари ва миллий интернет сегментини ривожлантириш соҳасида фаолият юритаётган ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «MIT.uz» – миллий интернет танловини эълон қилади.

Танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган веб дастурчи ва дизайнерлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов қуйидаги номинацияларда ўтказилади:

– Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати, тарихи ҳамда истиқлол ғоялари ва маънавий қадриятлари акс этган энг яхши сайт;

– «Кексаларни эъзозлаш йили» мазмунига доир энг яхши сайт;

– Маҳалла, қишлоқ ва шаҳарлардаги фаровон ҳаёт акс этган энг яхши сайт;

– Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти акс этган энг яхши сайт;

– Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти акс этган энг яхши сайт;

– Энг яхши янгиликлар сайти.

Танловга аризалар 2015 йилнинг 1 сентябрига қадар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашларида қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни (0-371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари ёки www.MIT.uz сайтидан олиш мумкин.

«MIT.uz» – соғлом ахборот муҳити сари.

***Юртимизда бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Давлатимиз томонидан берилаётган эътибор ва яратилаётган имкониятлар натижасида ишбилармонларимиз сони тобора ортиб бораётир. Соҳага оид қарорларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши ишлаб чиқариш субъектлари сонининг ортиб боришига ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.***

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий ва бошқа ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари, уларнинг фаровон ва тинч ҳаёт кечириши мужассам. Халқнинг турмуш даражасини юксалтириш, фаровон ҳаёт кечириши ва бандлигини таъминлашда тадбиркорлик соҳаси ривожи муҳим аҳамият касб этади. Шуни инобатга олган ҳолда истиқлолнинг дастлабки йилларданоқ ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

2014 йил якунларига эътибор қаратадиган бўлсак, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларида барқарор ўсиш суръатларига эришилганини кўриш мумкин. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этади. Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилганлиги Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантиришда муҳим омиллардан бирига айланганини кўрсатади.

Шу боис ҳозирги кунда хусусий сектор вакилларининг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлида учраётган айрим тўсиқларни бартараф этиш, давлат рўйхатидан ўтказишда кўплаб енгилликлар яратишга эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Яшнобод туманида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган тадбирлар Дастури»нинг 7-банди ижроси юзасидан ҳафтанинг ҳар жума кунлари туман ҳокимлиги биносида туман прокуратураси билан ҳамкорликда «Тадбиркорлар куни» ўтказиб келинмоқда. Мазкур йиғилиш-учрашувларда тадбиркорликни бошламоқчи бўлган ва мазкур соҳа билан шуғулланаётган соҳа вакиллари, шунингдек, тумандаги назорат қилувчи орган ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги масъул бўлим бошлиқлари, тижорат банклари бошқарувчилари иштирок этишиб, фуқаро ва тадбиркорлик оубъектлари фаолиятида учраётган муаммолар ва уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берган ҳолда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ўтган йили 50 дан ортиқ ана шундай учрашувлар ўтказилган бўлиб, уларда мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахслар иштирок этишди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик субъектлари билан 60 дан ортиқ учрашувлар ташкил қилиниб, уларда иштирок этган юридик ва жисмоний шахслар сони салкам 1600 дан ортганини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги биносида туман ҳокими ва ўринбосарлари, шунингдек, масъул бўлим бошлиқлари иштирокида тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, ушбу гуруҳ амалда тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланиб келмоқда.

Шунингдек, 2014 йил давомида туманда 454 та корхона юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирга келиб 224 тани ташкил этмоқда. Хусусий тадбиркорлик ривожига катта эътибор берилиши натижасида ҳозирги кунга келиб туманда рўйхатдан ўтиб, амалда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар сони 1499 тага етди.

Шу билан бирга, туманда фаолият юритмаётган корхоналар сонини қисқартириш ва уларнинг фаолиятини қайта тиклаш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. 2014 йил давомида 72 та корхона фаолияти қайта тикланди ва 426 та иш ўрни яратилди. 2015 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида яна 19 та корхона қайта иш бошлаб, уларда 265 та иш ўрни тикланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш, рўйхатдан ўтказиш ва солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш ҳамда турли имтиёзлар бериш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес жадал суръатларда ривожланяпти. Шу муносабат билан ҳар бир масъул шахснинг мамлакат ривожи йўлида собитқадам бўлиши талаб этилади.

**Зиёдулла САГДИЕВ,**
**Яшнобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси мутахассиси**

